БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 298 (4097)
28 ДЕКАБРЬ, 1979 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## 1983 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш трести бинокорлари беш йиллик тўртинчи йилига белгиланган план ва социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишмоқда.

Бригадалар ўртасидаги беллашувда М. Ғозиев, Я. Абдусаматов, В. Буянов етакчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадалари пешқадамлик қилишаётир.

**БУГУН**

БУ КОЛЛЕКТИВЛАР 1983 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ КВАРТАЛИ ҲИСОБИГА ИШЛАЯ БОШЛАШДИ.

Трестга қарашли В. Мерабишвили, А. Угланова, Л. Иконому, Э. Винников бошлиқ бригадалар эса 1982 йил ҳисобига иш бажаришаётир.

## ЗАРБДОР ЙИЛГА — ЗАРБДОР ЯКУН

### ЮКСАК АҲДГА ЯРАША

159-трестга қарашли 9-қурилиш бошқармасининг Эргаш Исаев бошчилигидаги бригадаси аъзолари пойтахтимизни обод ва гўзал бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган коллективлардан бири. Азаматлар бунёд этган Генерал Узоқов номли кўчадаги 1176 ўринли мактаб, «Марказ-26» кварталидаги болалар боғчаси, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабалари учун 400 ҳамда 600 ўринли ётоқхоналар ва бошқа объектлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда бригада аъзолари қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув лаборатория корпуси биносида умумқурилиш ишларини олиб боришяпти. Аҳил коллектив ҳар бир объектда ўзаро беллашувни авж олдирган ҳолда меҳнат қилиш билан бирга бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланаётганлиги туфайли ой сайин юқори унумдорликка эришяпти.

Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном учун курашаётган коллектив аъзоларидан дурадгор Ислом Вапоев, гишт терувчилар Аъзам Турдиқулов, Убайдулла Оппоҳўжаев, сддий ишчи Галина Рашидова, Надя Бозороза каби пешқадамлар кунлик топшириқларини 130—140 процент адо этиб, бригада шуҳратини тобора оширмоқдалар.

— Коллективимиз ўнинчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан якунлашга аҳд қилган, — дейди бригада етакчиси Эргаш Исаев. — Шунинг учун ҳам бинокорларимиз иш сифати ва суръатни асосий шиор қилиб олишган.

Чиндан ҳам азаматлар шу кунларда юксак аҳдга яраша меҳнат қилиб, объект қурилишини тез-корлик билан олиб боришяпти.

Эркин Икромов «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-нон заводида чорак асрдан бери «озловчи бўлиб ишлайди. Корхонадаги машина-механизмларнинг бенуқсон ишлашида, коллектив ойлик ва квартал топшириқларини муваффақиятли адо этаётганлигида бу тажрибали ишчининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

СУРАТДА: Э. Икромов.

И. Шоиноғомов фотоси.

*Партия ахбороти*

## МЕҲНАТ КЎТАРИНКИЛИГИ РУҲИДА

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетди. Пойтахтимиздаги лак-бўёқ заводи ишчилари КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида» қарорига амалий иш билан жавоб беришга қатъий аҳд қилишди. Беш йиллик зарбдорларидан Баҳодир Мақсудов, Клавдия Денисова синфари кўплаб ишчилар доҳий туғилган кунгача беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ташаббуси билан чиқишди. Моҳир ишчи Фахриддин Тўхтахўжаев 1980 йилнинг тўрт ойлик планини 21 апрелгача адо этишга сўз берди.

Корхона партия комитети В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига коллектив ўртасида туғилган ташаббусни маъқуллади ва уни кенг ёйишга қарор қилди. Шу кунларда ҳар бир цех ва участкада шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун курашаётган ташаббускорлар сафи тобора кенгайяпти.

* * *

## ИЗЧИЛ ПЛАН АСОСИДА

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун нураш ишида Киров райони меҳнаткашлари ҳам актив қатнашишяпти. Яқинда район партия комитети районни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган районга айлантириш юзасидан тузилган координацион советни тасдиклади. Унинг составида партия, совет, хўжалик ходимларидан 35 киши бор.

Районда 27 та микроучастка мавжуд. Уларнинг ҳар бирига ана шу советнинг вакиллари бириктилган.

Координацион советнинг олтита секцияси мавжуд бўлиб, улар ғоявий-тарбиявий, жамоат тартибини сақлаш, микроучасткаларга оталиқ ёрдами кўрсатиш ва бошқа зарур ишларни олиб борадилар. Координацион совет шу кунларда пухта тузилган план асосида изчил иш олиб бормоқда.

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

### Кеча

**Тошкент агрегат заводининг маданият саройида болалар тасвирий санъат студияси қатнашчиларининг расмлар кўргазмаси очилди.**

Маданият саройи қошидаги болалар тасвирий санъат студиясида завод ишчи ва хизматчиларининг 20 дан ортиқ фарзанди шуғулланмоқда. Кўргазмага қўйилган юзга яқин расмда кичкинтойлар табиат манзараларини, тенгдошларининг бахтиёр болалигини рангбаранг бўёқларда акс эттиришган. Г. Бакирова, Е. Шмантикова, Н. Хожибекова ва В. Заккиналар чизган портрет, пейсаж, натюрмортлар томошабинларга айниқса, манзур бўлаяпти.

●

**«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида социалистик мусобақа ғолибларини шарафлашга бағишланган кеча ўтказилди.**

Ўтаётган йилда баракали меҳнат қилган ишчи ва хизматчилар байрамона безатилган зални тўлдиришди. Бирлашма раҳбарлари ишлаб чиқаришни юксалтириш, сифат ва самарадорликни ошириш борасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўзлаб беришди. Социалистик мусобақа ғолибларига турли мукофотлар топширилди. Самарали меҳнати билан коллектив ҳурматига сазовор бўлган ишчилар орасида Д. Тоирова, Д. Орипова, О. Хмелёва каби тикувчилар бор. Улар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача беш йиллик шахсий планларини бажаришга аҳд қилишган.

Кечага «Лола» ва «Ёш овозлар» вокал-чолғу ансамбларининг бадиий ҳаваскорлари файз киритишди.

### Бугун

**Тошкент спорт буюмлари фабрикаси коллективи Москва Олимпиадасига аталган буюмлар ишлаб чиқариш йиллик планини бажарди.**

Фабрика ишчилари энг яхши етти хил буюмни тинчлик ва дўстлик байрамига айланувчи Олимпиада рамзи билан ишлаб чиқаряпти. Ана шу буюмлар орасида футбол ва волейбол тўплари, спортчилар сумкаси, бош кийимлари бор. Коллектив шу йилнинг ўзида Олимпиада рамзи қўйилган 700 минг сўмликдан ортиқ буюмни савдо тармоқларига етказиб берди.

Ҳозир шаҳримиздаги ўндан ортиқ корхона юз хилга яқин буюмни катта спорт анжумани рамзи билан ишлаб чиқаряпти.

●

**Тошкент экскаватор заводи хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш топшириғини бажарди.**

Корхонада ишлаб чиқарилаётган экскаваторлар жаҳондаги ўндан ортиқ мамлакатга экспорт қилиняпти. Буюртмачиларнинг кўпчилиги Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидир. Шуни ҳам айтиш керакки, тропик мамлакатларга юборилаётган машиналар иссиқ иқлим шароитига мослаб жиҳозланмоқда. Шу йилнинг ўзида Кубага ана шундай 30 тага яқин экскаватор юборилди. Куни кеча Венгрия ва Югославиянинг буюртмалари бажарилди.

Тошкентлик экскаваторсозлар шу йилнинг ўзида жаҳон мамлакатларига 169 та сифатли машина етказиб беришди.

●

**Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида тайёрланаётган яна тўрт моделдаги аёллар ва қизлар бош кийимига давлат Сифат белгиси берилди.**

Фабрика ишчилари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини йил сайин яхшилаяптилар. Эндиликда фахрли белги билан тайёрланаётган буюмлар хили 18 тага етди. Корхона коллективи шу йилнинг ўзида Сифат белгиси қўйилган 2,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Ҳозирги кунда республикамиз пойтахтининг корхоналарида ишлаб чиқарилаётган 850 хилдан ортиқ буюмга фахрли беш қиррали белги қўйиляпти.

### Эртага

**Тошкент саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси ўндан ортиқ туристик группани мамлакатимизнинг турли шаҳарларига юборади.**

Янги йил байрамини сафарда ўтказиш ихлосмандлари орасида шаҳар турар жойлар бошқармасига қарашли 2-трестнинг 5-ремонт-қурилиш бошқармаси меҳнатчилари бор. Улар Украина пойтахтида беш кун бўлишади. «Ташавтотехобслуживание» ишчилари Кишинёвнинг, 7-автодормехбаза хизматчилари эса Ленинграднинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Новосибирск, Тбилиси, Волгоград, Юрмала шаҳарларига ҳам туристик группалар боради. Шаҳар мактабларининг юзлаб ўқувчилари эса қишки каникулни Москва, Ленинград ва Гаграда ўтказишади.

Ирма Лесничая подшипниклар ремонти заводининг илғор деталчиси саналади. У смена ва ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этади. Пешқадам ишчига коммунистик меҳнат зарбдори юксак унвони берилган.

СУРАТДА: И. Лесничая.

М. Нуриддинов фотоси.

## ПАРТИЯ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛДАН

### XXVI ШАҲАР ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Тошкентликлар беш йилликнинг тўртинчи йилини зарбдорона якунламоқдалар. Ўзбекистон пойтахтининг саноати асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Қурувчилар, транспортчилар, энергетиклар, Тошкент халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнатчилари ҳам кўпгина ютуқларга эришдилар. Барча муваффақиятларда шаҳар комсомолининг катта ҳиссаси бор. Тошкентнинг қўкракларига комсомол нишонини тақкан йигит ва қизлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, зарбдорона ишламоқдалар, жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар. Яқинда ўз ишини тугаллаган район комсомол конференцияларида Тошкент ёшларининг меҳнат муваффақиятлари, ғайрати ва ижодий изланишига доир ўнлаб мисоллар келтирилди.

Кеча бўлиб ўтган XXVI шаҳар ҳисобот-сайлов комсомол конференциясида эришилган ютуқлар, келгусидаги режалар, партиянинг комсомол олдига қўйган вазифаларни бажариш йўллари тўғрисида катта, қизғин гап борди.

Делегатлар тўпланган зал байрамона безатилган. Улар орасида ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, ажойиб ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб берган кишилар, зарбдор меҳнати, юксак ижтимоий активлиги билан ҳамкасбларининг юксак ишончини қозонган обрўли кишилар бор. Залда конференция меҳмонлари: партия ва совет ходимлари, хўжалик раҳбарлари, пойтахтнинг машҳур меҳнатчилари ўтиришибди.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Ш. Т. Нуғратов конференцияда қилган докладида ўтган икки йил ичида шаҳар комсомол ташкилоти ишининг салмоқли якунларини айтиб ўтди.

Ҳазирги кунда пойтахтнинг 250 мингдан зиёд ёш меҳнатчиси беш йилликнинг тўрт йили топшириқларини, уч мингга яқин киши эса шахсий беш йиллик планларини шаҳар комсомол конференцияси очилган кунгача бажарганликлари тўғрисида рапорт беришди. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг тус олиняпти. Бу шонли санагача 12 минг йигит ва қиз, 700 комсомол-ёшлар коллективлари беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олишди.

Пойтахт комсомоллари давлат Сифат белгиси олган 342 буюмни ишлаб чиқаришни оталиққа олганлар. «Қизил тонг», Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Миконд» заводи ва бошқа корхоналарда комсомол штаблари ва сифат постлари қизғин иш олиб бормоқда.

Мамлакатнинг энг муҳим қурилишларида иштирок этиш пойтахт комсомоли учун фахрли иши бўлиб қолди. Ҳисобот даврида олти мингдан зиёд тошкентлик йигит ва қизлар қалб амри билан зарбдор объектларга жўнаб кетдилар. «Халқлар дўстлиги» майдони иншооти, ишлаб чиқариш корхоналарининг реконструкцияси комсомоллар учун муҳим оталиқ объектлари бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида барча моддий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланишнинг вақадар муҳимлиги яна бир марта таъкидлаб ўтилди. «Комсомол прожектори» штаб ва постларининг аъзолари иқтисод ва тежамкорлик учун курашга муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг составида 34 мингдан зиёд ёш назоратчилар бор. Ҳисобот даврида улар уч мингдан зиёд рейдлар ўтказишди. Бу эса юзлаб тонна металл, ёқилғи-мойлаш материаллари, миллионлаб киловатт-соат электр энергиясини тежаш имконини берди.

Ёшларни меҳнат ва ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашда студент қурилиш отрядларининг роли каттадир. Пойтахтнинг 56 мингдан зиёд йигит ва қизлари мамлакат ва чет эллардаги жуда кўп қурилишларда ҳар йили меҳнат қилишяпти. Сўнгги уч йил ичидагина Тошкентнинг студент қурилиш отрядлари жангчилари 19 миллион сўмликдан зиёд капитал маблағни ўзлаштирдилар.

Бу ва бошқа ютуқлар партиямизнинг ёш авлод тўғрисида мутасил ғамхўрлик қилаётгани, шаҳар комсомол ташкилотининг ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги, сифат жиҳатдан ўсганлиги натижасидир. Ҳозирги кунда уларнинг сафларида 304 минг 152 комсомол аъзоси бор. Фақат ҳисобот даврида 80 минг ёш тошкентлик ВЛКСМ сафларига кирди. Пойтахтнинг 1902 бошланғич ташкилотига бирлашган комсомоллар кўпгина ташаббусларни бошлаб беришди, зарбдор меҳнатлари, юксак ижтимоий активликлари билан бошқа ёшларга, ўсиб келаётган авлодга намуна бўлдилар.

Шу билан бирга докладда ва делегатлар — Ленин район комсомол комитетининг биринчи секретари В. Акбарова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси К. Ёқуббоева, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол комитети секретари Н. Дягилева, Киров район комсомол комитетининг биринчи секретари С. Алиев ва бошқалар ўз сўзларида ёшларни меҳнат, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий руҳда тарбиялаш ишида ҳали барча резерв ва имкониятлардан фойдаланилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Социалистик мусобақани ташкил этишда камчиликлар бор, комсомол ташкилотларининг бир неча, яхши ташаббуслари кенг ёйилмади.

Шаҳарда ёшларнинг касб танлаши юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, барча комсомол комитетлари ҳам ёшларни меҳнатни тайёрлашда етарлича самарага эришяпти деб бўлмайди. Баъзи ҳунар-техника билим юртларида, ишлаб чиқаришда ёшларни меҳнатга тайёрлашда, уларнинг ишда муқим бўлиб қолишларига етарлича қатъийлик кўрсатилмаяпти.

Бир қатор корхона ва ташкилотларда ёшлар ўртасида меҳнат интизомининг аҳволи жиддий ташвиш тугдиряпти. Конференцияда бундай мисоллар кўплаб келтирилди. Тошкент трактор заводида коллектив аъзоларининг 65 процентини ёшлар ташкил этади. Ўтган йили прогул натижасида 83 мингдан зиёд ишчи-куни йўқотилди. Агар бу йўқотишга йўл қўйилмаганда қўшимча 104 та трактор тайёрлаш мумкин эди. Беш йиллик даҳиқаларининг қадри катта. Ахир, фақат Тошкентдагина ҳар минутда 8 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Конференция делегатлари пойтахт йигит ва қизларини ғоявий чиниқтириш, ёшларнинг маркса-ленинча таълими аҳволи масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқишди. Ҳозирги пайтда комсомол сиёсий маорифи шаҳобчаларида 47 мингдан зиёд ёш тошкентликлар шуғулланмоқдалар. Тингловчиларнинг мутлоқ кўпчилиги «Ёшларнинг ғайрат ва шижоати — самарадорлик ва сифат беш йиллигига» ҳаракатида актив иштирок этишяпти. Фақат Ленин районидагина тўғарак ва семинар тингловчилари — комсомоллар 407 та рационализаторлик таклифи киритишди. Шунинг 250 таси жорий этилиб, 840 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара берди. Идеология ишида ленинча зачёт, Ленин дарслари, ленинча жумаликлар, ёш лекторлар мактаби, назарий конференциялар, халқ университетлари, ва бошқа формалардан кенг фойдаланиляпти.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори ёшлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг барча формаларини такомиллаштиришда янги омил бўлмоқда. Пойтахт комсомоллари, барча йигит ва қизларининг бурчи шонли санани зарбдор меҳнат, аъдо ўқиш, юксак ижтимоий активлик билан кутиб олишдир. Район комсомол комитетлари, бошланғич комсомол ташкилотлари Бутуниттифоқ ленинча йўқламасига тайёргарлик даврида идеология ишининг аҳволини таҳлил этишлари, ёшларни ғоявий, гражданлик, ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш воситаларидан самарали фойдаланишлари лозим.

Ҳозирги пайтда ўнлаб ёшлар сиёсий клублари, 410 интернационал дўстлик клуби ана шундай иш олиб бормоқда. Кўп миллатли меҳнат коллективларининг тарбиячилик имкониятларидан, интернационал адабиёт ва санъатимиз, музей ва виставкаларнинг бой анъаналаридан тўлароқ фойдаланиш, СССР халқларининг бирлиги ва қардошларча дўстлигини ёрқин ва ишонтирарли акс эттириш лозим.

Тошкент йигит ва қизлари ватанпарварлик ва интернационал бурчларини бажаришга шай ҳолда турганликларини пахта йиғимтерими даврида яққол кўрсатишди. 128 минг ёш меҳнатчи — пойтахтнинг ишчи, студент ва ўқувчилари партия чақириғи, қалб амри, комсомолнинг даъвати билан пахтакорларга ёрдамга отландилар. Тошкент, Жиззах, Сирдарё областлари пахтазорларида юз минг тоннадан зиёд «оқ олтин» теріб бердилар.

Докладчи ва музокара қатнашчилари — Куйбишев район комсомол комитетининг биринчи секретари В. Мишин, «Висотстрой» трести комсомол комитетининг секретари В. Привалов, қамондан отиш бўйича Ўзбекистон терма командасининг комсорги, жаҳон рекордчиси ва СССР халқлари VII Спартакиадасининг мутлоқ чемпиони Н. Бутузова, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг солисти, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ф. Саъдуллаева ва бошқалар Ўзбекистон пойтахтининг комсомоллари номидан партия, комсомол органлари, партия ва комсомол ветеранларини ишонтириб айтдиларки, шаҳар комсомол ташкилоти ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан бажаради. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини меҳнатда, ўқишда, жамоат ишида янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар. КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга қўшадиган ўз ҳиссаларини янада кўпайтирадилар.

Конференция шаҳар комсомол комитетининг янги составини, область комсомол конференциясига делегатларни сайлади.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғофуржонов нутқ сўзлашди.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, область комсомол комитетининг секретарлари қатнашдилар.

* * *

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ш. Т. Нуғратовни Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Б. А. Мамонтов шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди.

М. Е. Фузулова, Х. Р. Шонеъматов шаҳар комсомол комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

**ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА**

⊙ КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларидан руҳланган республика саноат корхоналарининг коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотнинг энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш юзасидан ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили планини 1979 йил 27 декабрь куни бажардилар.

⊙ 26 декабрь куни Тошкентда Халқаро болалар йилига бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида давлат ёш авлод тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи кўпгина мисоллар келтирилди.

⊙ Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси қатнашчиларининг катта бир группасига 26 декабрь куни фахрий дипломлар, мукофотлар, қимматли совғалар топширилди.

*• Маданият янгилиги*

## Саҳнада «Ипак гиламлар»

**БУГУН**

Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи қошидаги халқ театри коллективи Ҳ. Муҳаммаднинг «Ипак гиламлар» ҳажвий драмасини саҳналаштиришга киришди.

Ана шу халқ театри республикамиздаги энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективларидан бири ҳисобланади. Ижодий коллективнинг репертуаридан ўзбек, совет ва хорижий авторларнинг 15 дан ортиқ пьесаси ўрин олган.

Янги «Ипак гиламлар» спектаклидаги бош ролларни миллий чолғу асбоблари фабрикасининг мастери Т. Орифжонов, 240-мактаб ўқувчиси Г. Абдураимова, 62-ҳунартехника билим юртининг ўқувчиси Р. Жўраев ва бошқалар ижро этишади.

— Эндиликда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига А. Поповнинг «Ульяновлар оиласи» асарини саҳнага қўйиш тадбирларини кўряпмиз, — дейди халқ театрининг раҳбари Ш. Умаров.— Ўйлаймизки, янги спектакляримиз ҳам томошабинларга манзур бўлади.

## телетайп лентасидан

✦ БУДАПЕШТ. Венгрия кэнчилари йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида Рапорт бердилар. Комло шаҳрининг шахтёрлари ВСИПнинг бўлажак XII съезди ва Венгрия озод этилганлигининг 35 йиллиги шарафига вахтада туриб шу йил планини белгиланган муддатидан олдин адо этдилар. Улар мамлакатга 660 минг тонна кўмир бердилар.

Республика шахтёрлари бу йил 25 миллион тоннадан зиёд кўмир қазиб чиқарадилар.

✦ БЕЛГРАД. Тугаб бораётган йил Югославия ер ости хазинаси қидирувчилари учун самарали бўлди. Улар Славонияда янги нефть конини топдилар. Динар тоғларида халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган мис-кўргошин, рух ва бошқа руда конлари очилди. Мостар шаҳри остида топилган ва дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 120 миллион тоннага борадиган қўнгир кўмир кони Югославия учун катта кон ҳисобланади.

✦ ХАНОЙ. Вьетнамнинг жанубидаги катта шаҳар— Хошимин шаҳри атрофидаги сабзавотзорлар кенгайтирилмоқда. Шу мавсумда сабзавот майдонлари 14 минг гектар— бултургига нисбатан 1 минг гектар кўп ерни эгаллади.

Фойдали майдонлари бир ярим минг гектарга бориб қоладиган 57 та ихтисослаштирилган хўжалик ҳам шаҳарга сабзавот юбормоқда.

✦ ПНОМПЕНҲ. Кампучия Халқ Республикасининг ички транспорт йўллари гавжум бўлиб бормоқда. Прейвэнг, Такео, Кампот, Кампонгтхом, Свайриенг ва Кампонгтям вилоятлари билан тош йўл алоқаси тикланиб, уларда юк автомобиллари маҳаллий аҳоли учун энг зарур молларни ташимоқда.

Гуруч ортган дастлабки уч кема Пномпень портига келиб лангар ташлади. Улар Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида Меконг дарёси орқали бу ерга келди.

✦ КАТМАНДУ. Бу ерда совет киносининг 60 йиллигига бағишланиб, совет фильмлари фестивали бошланди. Непал томошабинлари бутун бир ҳафта давомида «Хизматдош ошиқлар қиссаси», «Менинг ёқимтой ва меҳрибон жониворим» совет кинолентларини, «Иван Грозний» фильм-балетни томоша қиладилар. Непал— Совет маданият уюшмасининг президенти Н. К. Прадхан совет фильмлари ҳафтасини очиш маросимида сўзга чиқиб, совет кино санъатининг кўриги совет ва непал халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ҳамкорлиини янада мустаҳкамлаш ишига қўшилган яна бир ҳиссадир, деб уқтириб ўтди.

✦ ВАШИНГТОН. Америка аҳоли рўйхати бюросининг маълумотларига қараганда Америка Қўшма Штатлари аҳолиси сони шу йил 1 сентябрда 220 миллион 819 минг кишидан иборат бўлган.

1970 йил 1 апрелда бюро томонидан ўтказилган сўнгги рўйхатдан бери америкаликлар сони 16 миллион 485 минг кишига кўпайган.

(ТАСС).

# XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

### 44-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Акмашхонова** Зайтупа — «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Аҳмедова** Озода — «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Секретарь** — Жданова Лидия Алексеевна — ошхоналар трести бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Абдуазимова** Меҳри — 193-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Бошков** Николай — 193-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Ғуломова** Машкура — 193-мактаб ўқитувчиларидан.

**Жўраев** Эргаш — 193-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Дадашева** Карима — 193-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Жайнулова** Анаргул Қодировна — «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Қодирова** Дилором — 193-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Миралиева** Зуҳра Азизовна — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Мовлюдов** Анвар Шаватзевич— 18-автомобиль парки бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Сафу** Розия Халитовна — 18-автомобиль парки бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Тожиева** Любовь Антоновна — 18-автомобиль парки бошланғич коммунистик ташкилотидан.

### 48-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Знятдинов** Азгат Мардигалимович — алоқа техника узели бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Мирзаев** Суннат — 123-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Усмонова** Мукамбар — 123-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Вольф** Владимир Яковлевич — 4-Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Громовенко** Нина Леонидовна— магистрал алоқа узели бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Джеватова** Зоре Асановна — магистрал алоқа узели Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Дунаев** Сергей Анатольевич — магистрал алоқа узели Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Исаева** Машкура — 123-ўрта мактаб бошланғич ташкилотидан.

**Собиров** Аваз — 123-ўрта мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Липко** Светлана Борисовна — магистрал алоқа узели бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Умарова** Малоҳат — 123-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Хошимова** Мастура — 123-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Шоабдурасулова** Сурайё —123-ўрта мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

### 49-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Мирзаев** Комолбой — Давлат нашриётлар комитети автобазаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Бочков** Виктор Васильевич — Давлат нашриётлар комитети автобазаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Каримова** Феруза — 116-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Бобожонов** Набижон Муҳаммеджонович — Давлат нашриётлар комитети автобазаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Комилова** Раҳима—116-мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Королев** Семён Васильевич — Давлат нашриётлар комитети автобазаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Мансурова** Мавжуда — 116-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Манжурова** Мария Сергеевна— Давлат нашриётлари комитети автобазаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Пайзиев** Абдунаби — Давлат нашриётлар комитети автобазаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Тўхтаев** Жалил — 116-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Хўжаев** Анвар Николаевич — Давлат нашриётлар комитети автобазаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Ҳамдамова** Тожи — 116-мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Юсупова** Альфия — 116-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

### 50-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Муродов** Собир — 116-ўрта мактаб коммунистик бошланғич ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Закинов** Катан Раҳмонович — Ўзбекистон ССР эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Губайдуллина** Нурия Хожиаҳмедовна — 106-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Аҳмедова** Муборак — Ўзбекистон ССР эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Воҳидов** Бори Воҳидович —Ўзбекистон ССР эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Зонров** Ботир Валиевич —106-ўрта мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Каримова** Дилором Саидовна— Ўзбекистон ССР эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Каримова** Нафиса Қаюмовна — 106-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Каримова** Дилфуза — Ўзбекистон ССР эпидемиология, микробиология, ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Мирзаахмедов** Мирсобит — 16-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Рихситуллаева** Доно Ҳакимовна — 16-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Фахриддинова** Алла — Ўзбекистон ССР эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Шомансуров** Ҳасанбой Шомансурович — 16-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

### 51-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Сопов** Тоҳир — 124-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Алимуҳамедов** Ҳожиакбар — тажриба-методик партия бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Саъдуллаева** Фотима — 124-мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Абдуниёзов** Отахон Оллаёрович — тажриба-методик партия бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Бедилова** Оқила Раҳматуллаевна— 16-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Валиева** Насиба Турсуновна — 16-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Илҳомов** Шоасқар Шоёқубович — тажриба-методик партия бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Сидоренко** Августина Петровна — тажриба-методик партия бошланғич ташкилотидан.

**Хўжаева** Муҳаббат — 6-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Ҳайдарова** Пўлатой— 124-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Тошпўлатова** Дурдона — 6-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Юсупова** Лола — 124-мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Ястребков** Геннадий Федорович — тажриба-методик партия бошланғич коммунистик ташкилотидан.

### 52-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Еқубова** Рихсия — 124-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Алимов** Муҳсинжон Умарович — тажриба-методик партия бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Новосельцева** Элена Раҳматовна — тажриба-методик партия Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Аҳмедов** Ҳабибулла — 124-мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Бекмуҳамедова** Хуршида — 6-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Қодиров** Тожибой — 124-мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Солиева** Малика Аҳмедовна — 6-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Солижонова** Меҳри — 124-мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Умеркаева** Альфия — 6-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Файзиева** Муқаддас — 6-поликлиника бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Шамсутдинова** Асия Рафиковна — тажриба-методик партия бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Ҳабирова** Дилором — 6-поликлиника бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Еқубова** Жамила Набиевна — тажриба-методик партия Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

### 53-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Тожибоев** Маҳамадраҳим — 236-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Чернишева** Светлана Васильевна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг хўжалик ҳисобидаги қурилиш-ремонт қурилиш монтаж трести бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Шорахимова** Зулфия — 236-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Отаметова** Саида — 236-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Аҳмеджонова** Раиля Хайдаралиевна — сут комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Золотарь** Виктор Иванович — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич ташкилотидан.

**Жбанкова** Татьяна Ивановна — сут комбинати бошланғич касаба союзи ташкилотидан.

**Жўраева** Матлуба — 236-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Латипов** Абдужалил — 236-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Масюк** Александр Михайлович — 236-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Миронов** Валерий Александрович — сут комбинати бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Ҳамдамова** Эльмира Султоновна — сут комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Чаплина** Лариса Викторовна — сут комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

### 54-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Исроилов** Абдусамат — 236-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

Раис ўринбосари — **Мўминова** Турдиннса — 236-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

Секретарь — **Юнусова** Мухтабар — 236-ўрта мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Бадьянова** Татьяна Владимировна— «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Колесникова** Надежда Юрьевна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Гальцева** Любовь Ивановна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Долгих** Валентина Николаевна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Комина** Лариса Дмитриевна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Кошевой** Вячеслав Иванович— «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Костюченко** Виталий Трофимович — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Крупская** Людмила Михайловна — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Миржалолова** Гулнора — 236-ўрта мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Пўлатова** Дилором — 236-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

### 55-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Усмонов** Маъруф — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Иконому** Вера Яковлевна — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Баширова** Раиса Искандеровна — 75-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Алиев** Абдулла — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Алхонов** Салават — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Ғаниев** Рэм — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Ғозиев** Абдусодиқ — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Григорьева** Светлана — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Нишонхўжаева** Мукаррам —75-мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Потапова** Лидия — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Содиқова** Шоҳида — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Усмонов** Шоносир — Тошкент автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Холмуҳамедова** Серафима Сергеевна — 75-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

### 56-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Азаматов** Пирмуҳамед — миллий чолғу асбоблари фабрикаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Расулов** Ибрагим — 109-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Азимова** Озода— 109-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Абдурахмонов** Нусрат — 109-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Аюпова** Муаррах — миллий чолғу асбоблари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Исмоилова** Мадина — 109-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Мелихўжаев** Олимжон — миллий чолғу асбоблари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Мўминов** Абдурасул — миллий чолғу асбоблари фабрикаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Одилов** Аъзам — 109-ўрта мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Сайфуллин** Ильдар — 109-ўрта мактаб ўқитувчиларидан.

**Тошмуҳамедова** Барно — миллий чолғу асбоблари фабрикаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Шерматова** Шарофат — миллий чолғу асбоблари фабрикаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Цой** Луиза Андреевна —109-ўрта мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

### 57-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Буянов** Иван Ильич — «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ритвин** Аркадий Вениаминович — «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь — **Жданова** Валентина Ивановна — 4-мактаб ўқитувчиларидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Оймуҳамедов** Илёс Шомансурович — 16-болалар поликлиникаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Исломова** Лутфия — 4-мактаб ўқитувчиларидан.

**Ибрагимова** Дилбар — 16-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Кубишкин** Александр Анатольевич — 4-мактаб бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Қосимова** Муборак Турсуновна — 4-мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Мирзамуҳамедова** Эркин — «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

**Салимова** Олима Сиддиқовна— 16-болалар поликлиникаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Скуйбеда** Григорий Петрович— «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

**Умарова** Малика — 4-мактаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Шодибекова** Фарида — 16-болалар поликлиникаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

## КИРОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА:

### 58-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси— **Соболев** Геннадий Иванович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Беликов** Борис Семенович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь —**Манохина** Евгения Владимировна — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Бубнова** Олена Павловна — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Важина** Ольга Вячеславовна — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

**Жидких** Валентин Михайлович —«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

**Молотов** Александр Витальевич «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Никульшина** Раиса Ивановна— «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Сидорова** Галина Николаевна— «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Тарвид** Людмила Станиславовна— «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Хегай** Мирон Нукович —«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Шевченко** Владимир Васильевич—«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Кужель** Сергей Николаевич — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

### 59-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ғанихонов** Апсашихан Аҳмедович —«Фотореклама» комбинати бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари —**Сиров** Николай Иванович—«Фотореклама» комбинати бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Ермачкова** Нина Ивановна— «Фотореклама» комбинати бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Голвашева** Галина Григорьевна —«Фотореклама» комбинати бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Гуртовенко** Петр Трофимович —«Фотореклама» комбинати бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Мушеев** Лев Самуилович — «Фотореклама» комбинати бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Нафикова** Зуҳра —«Фотореклама» комбинати ошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Садовникова** Ольга Павловна— «Фотореклама» комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Усанков** Виктор Иванович — «Фотореклама» комбинати бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Хаимова** Анна Михайловна — «Фотореклама» комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Энверов** Ибрагим—«Фотореклама» комбинати бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Юхис** Зина Зевиковна— «Фотореклама» комбинати бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Юнусова** Эсма Усеинова—«Фотореклама» комбинати Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

### 60-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси — **Гриндорф** Борис Маркович — Тошкент автомобиль [illegible] ститутк бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Пашин** Анатолий Яковлевич— Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

Секретарь —**Маннонова** Хадиса Абдулҳақовна —Тошкент автомобиль йўллар институти коммунистик ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Абдусатторов** Турғунбой — Тошкент автомобиль йўллар институти профессор-ўқитувчилар составидан.

**Баюков** Леонид Витальевич — Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Дадамуҳамедов** Турғун Расулович—Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Қамбаритдинов** Саидакбар — Тошкент автомобиль йўллар институти Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Маҳмудова** Дебя Солиховна — Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Одилов** Бахтиёр — Усимликларни ҳимоя қилиш ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Подлипская** Любовь Михайловна—Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Суворова** Евгения Георгиевна— Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Ҳамдамова** Холида Халиловна— Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Шокиров** Ўткир Шокирович — Тошкент автомобиль йўллар институти бошланғич коммунистик ташкилотидан.

**Еқубов** Ҳамид Комилович — Тошкент автомобиль йўллар институти профессор-ўқитувчилар составидан.

### 61-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сайлов комиссиясининг раиси —**Шлумпер** Михаил Яковлевич— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ивашкин** Владимир Намараевич — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Секретарь—**Зокиров** Тўлқин Хожимуротович — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бошланғич ташкилотидан.

**Сайлов комиссияси аъзолари:**

**Одилова** Шарофат— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

